

# **Хотин-қизлар фаоллари учун семинар ташкил этилди**



Термиз тумани “Орол” маҳалласида жойлашган “Остона гиламчи” оиласи корхонасида Хотин-қизлар фаоллари учун Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси бош мутахассиси Б.Сайдқосимов, “Оила ва хотин-қизлар” илмий-тадқиқот институти кичик илмий ходими З.Илҳамова ҳамда аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш маркази ҳудудий бўлими директори М.Хафизовалар иштирокида семинар бўлиб ўтди.

Семинарда хотин-қизлар муаммоларини энг қуи тизимдан бошлаб ўрганиш, улар билан манзилли ишлашни самарали ташкил этиш, бунда хотин-қизлар тадбиркорлик марказларида тажрибали тадбиркор аёлларни жалб этган ҳолда тренинглар ташкил этиш, шунингдек, никоҳланувчи ёшларни оиласи ҳаётга тайёрлаш, ижтимоий мослашув марказларида ҳамкор ташкилотлар билан ишларни ташкил этиш масалаларида тавсиялар берилди.